

КОНЧИЛИК ЛЕКСИКАСИ ВА КОНЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИ МАСАЛАСИ

Эназаров Толиб Джуманазарович
(ТДЎТАУ профессори),
Ҳакимова Дилрабо Йўлдошовна
(Навоий давлат педагогика институти
“Факультетлараро чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси).

АННОТАЦИЯ

«Мақолада кам тадқиқ этилган кончилик лексикаси ва кончилик терминлари тилишуносликнинг терминология бўлимида ўрганилиши айтилган. Умуман терминларнинг ўрганилишида иккита ўзаро боғлиқ тараққиёт занжири борлиги таъкидланган. Кончилик геология фанининг махсус ўрганиш объекти эканлигига асосланиб, бу соҳада илмий кузатишлар олиб борган олимларнинг тадқиқотларига илмий ахборот сифатида тўхталиб, уларни тизимли ҳолатда таҳлилга тортган. Муаллиф бошқа терминлардан, хусусан, геологиянинг бошқа терминларидан ўзбек тилидаги кончилик лексикаси ва кончилик терминларини фарқлаш лозимлигини асослаган.

Калит сўзлар: *кон, кончилик, минераллар, минералларнинг қазиб олинishi, минералларнинг қазиб олинishi жараёнлари, кончилик лексикаси, кончилик терминлари, кончилик терминларига эътибор, ўзбек тилидаги кончилик лексикаси ҳамда кончилик терминларининг тадқиқи масаласи.*

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются, что горная лексика (дискурсы) и термины горного дела являются малоизученными терминами и они изучаются в терминологическом разделе лингвистики. В целом изучение терминов подчеркивает существование двух взаимосвязанных тенденций развития. Исходя из того факта, что геологическая наука является предметом специального изучения, геологическая наука была описана как научная информация для изучения ученых в этой области и систематически анализировала их. Автор утверждает, что горная лексика четко различается от других терминов и в частности, от геологических терминов.

Ключевые слова: *месторождение, горный, минералы, процесс добычи полезных ископаемых, горная лексика, общая добыча полезных ископаемых, лексика горнодобывающей промышленности, термины добычи, внимание к*

терминологии добычи полезных ископаемых, вопросы исследования горных терминов, а также горной лексики в узбекском языке.

ABSTRACT

"The article explores mountain vocabulary (discourses) and mining terms in the terminology section of linguistics. In general, the study of terms emphasizes the existence of two interrelated development trends. Based on the fact that geological science is the subject of special study, geological science has been described as scientific information for the study of scientists in this field and systematically analyzed them. The author argues that from other terms, in other words, geological terms, it is necessary to distinguish between mining vocabulary and mining conditions in the Uzbek language.

Keywords: *deposit, mining, minerals, mining process, mining vocabulary, general mining, vocabulary of the mining industry, mining terms, attention to the terminology of mining, issues of studying mining terms, as well as mining vocabulary in the Uzbek language.*

КИРИШ

Ҳар бир соҳанинг алоҳида терминлари ва тушунчалари бўлгани сингари кончилик соҳасининг ҳам махсус терминлари мавжуд. Шу билан бирга уларни ифодалайдиган лексик бирликлар ҳам бор. Уларни лексикология ҳамда терминологияда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ терминология тилшуносликнинг катта ҳамда баҳсли соҳалардан бири бўлгани каби кончилик лексикаси ҳамда кончилик терминларини фарқлаш тамойил, омил ва усулларига эътибор берилмаган. Терминологияда мавжуд фанларга оид терминлар илмий-назарий ва илмий амалий асосларда ўрганилади ва ўргатилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, кончилик терминлари ҳам терминологиянинг ўрганиш ва тадқиқ этиш объектларидан бири саналгани сингари кончилик лексикасининг тадқиқи масаласи ҳам баҳслидир. Шу ўринда терминларни ўрганишда иккита ўзаро боғлиқ тараққиёти занжири бор:

1. Улар ҳаётда зарур бўлгани ва ишлаб чиқаришда учрагани учун ўрганилади.

2. Улар илм-фан ва саноат ривожини учун махсус равишда илмий ҳамда амалий жиҳатлардан тадқиқ этилади.

Бу икки ҳолат кончилик лексикаси ва кончилик терминлари тизимига ҳам хос ички тараққиёт жараёнлардир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кончилик терминлари тил умумтерминологиясининг бир қисми сифатида алоҳида хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳам у геология илм-фаннинг бир бўлаги сифатида бундан 2000 йил илгари вужудга келган [1]. Лекин ер, геологияга оид ҳодисалар, кончилик, кончилик билан боғлиқ фойдали қазилмалар ҳақидаги тажрибага асосланган маълумотлар кишилик жамиятининг бошлангич даври ибтидоий жамоа тузумидан бошланади. Тажрибага, аниқ маълумотга асосланган илк (биринчи) геологияга, аниқроғи, кончиликка оид лексика ва терминлар узоқ ўтмишдаги кишилар онгида уларнинг табиий бойликларга бўлган эҳтиёжидан ва уларни ишлатиш жараёнида шаклланади. Узоқ ўтмишдаги одамлар тоғ жинслари ва минераллардан аввало тош асрида содда қуроллар, буюмлар ясаб фойдаланишган. Кейинроқ бронза ва темир асрларида кишилар мис, қалайи, қўрғошин, олтин, кумуш ва темир рудаларини жамият тараққиётининг талабларига мувофиқ ишлата бошлашгангани сингари улар воситасида кончилик лексикаси ҳамда кончилик терминларини ҳам яратишни бошлашган.

Қадимдан кишиларнинг онгини турли ер ости конларидаги бойликлар билан биргаликда геологияга оид жараёнлар, масалан, дахшатли zilзила ва вулқон отилиши жараёнлари ўзига жалб этиб келган. Булар ҳақида қадимий одамларнинг ҳикоя ва баъзи ривоятларида учрайдики[2], уларда ҳам кон билан у ёки бу лексикага ва терминга дуч келиш мумкин. Бунда ҳам кончилик лексикаси ва кончилик терминлари шаклланиши, тараққиётига тегишли доимий амал қиладиган методология ва методика амал қилинганлигини кузатиш мумкин[3]. Тил борми, демак, кишилар ўз тилларига мос ҳолда воқеа-ҳодисаларни тилдаги номланиш жараёнида кончилик лексикасини ҳам, кончилик терминларини ҳам номлашганлиги табиий ҳолдир[4]. Албатта, улар лексик қатламлар тизимида жой олишлари шарт[5].

Турли геологияга оид ҳодисаларнинг сабаблари, Ернинг пайдо бўлиши ва тузилиши, унинг юзасини ўзгариши ҳақида милодимиздан аввалги VII—IV асрларда Грециянинг Фалес, Гераклит, Эмпедокл, Аристотель, Теофраст, Плиний каби олимлари ўзларининг илмий тушунчаларини илмий тахминлар тариқасида баён этишган. Мана шу тахминлар асосида XVIII асрда геологияга оид жараёнларнинг сабабларини турлича тушунтирувчи илмий назарий концепциялар бўлган непунизм ва плутонизм оқимлари шаклланган. Нептунистлар таълимотига кўра ер ва ундаги организмлар сув таъсирида пайдо бўлган. Плутонистлар эса ҳамма мавжудотлар ва ер оловдан вужудга келган деган фикрни илгари суришган.

Аристотель ер юзасининг ўзгариши тўғрисида ўзининг “Метеорология” асарида шундай деб ёзади: “Ернинг бирон қисми доим куруқлик ёки денгиз бўлиб қолмайди. Денгиз ўрнида куруқлик, куруқлик ўрнида денгиз пайдо бўлиб туради”. Бу билан ернинг, ер юзасининг ўзига хос тараққиётини ҳам кўрсатишга интилан.

Грек олими Страбон материк(лар)нинг баъзи жойларида учраган ва кадимги денгиз шароитида яшаган ҳозирги вақтда эса тош-қотган хайвон чиганокларига асосланиб, ер юзаси доимо ҳаракатланиб туради деган хулосага келган. У ер пўстининг вертикал ҳаракатланиши вулқон таъсиридан бўлади, деб тушунган.

Ўрта Осиёда X—XI асрларда яшаб ижод қилган машҳур олимлар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, XIII асрда яшаган озарбайжон математиги ва астрономи Мухаммад Насриддин каби бошқа олимлар ўз давридаги геологиянинг, аниқроғи кончилик лексикаси ва кончилик терминологиясининг юксак даражада раванқ топшига катта ҳисса қўшишган[6].

Абу Али ибн Сино (980—1037 йиллар) Европада Авиценна номи билан машҳур қомусчи, мутафаккир олим 1021 —1023 йилларда ўзининг қалбни даволаш қомуси (“Китоб ашшифо”) ни ёзган. Шу китобнинг табиат бўлимининг иккинчи боби “Геология ва минералогия” масалаларига оид рисоласи мавжуд. Ибн Сино ўзининг “Геология ва минералогия” рисоласида асрлар давомида кишилар билишга ошиққан — зилзила сабаблари, тоғлар, тоғ жинслари, олтин, кумуш сингари бир қанча минералларнинг ҳосил бўлиши, ер юзасининг шаклини ўзгартирувчи сабаблар ва минералларни тўртта синфга бўлинган шажарасини кузатиш ва тажриба маълумотларига асосланиб баён этган[7].

Абу Райҳон Беруний Мухаммад ибн Аҳмат (973—1048 йиллар) XI асрнинг қирқинчи йиллари ўрталарида жавоҳирлар ҳақида маълумотлар тўплами — (арабчада - Китоб ал-Жамохир фи маърифат ал Жавобхир) номли асарини ёзган. Бу асарда олим конларимизда ҳозир ҳам кўплаб топилаётган олтин, кумуш, жавоҳир каби ҳар бир минералнинг физик хоссалари, таркиби ва солиштирма оғирлигини аниқлаш усуллари ҳамда минералларни синаш, аниқлаш, ишлатиш ва минерал конларининг хусусиятлари ҳақида фикр юритган. Уларни қимматбаҳо жавоҳирлар ва металлларга бўлиб, ҳар бир минерал ҳақида ўз даври нуқтаи назаридан аниқ ва пухта илмий асосланган маълумотлар берган. Берунийнинг “Минералогия” асари Оврупа мамлакатларида бир неча марта турли тилларга таржима қилинган ва бир неча аср давомида соҳа бўйича ўта

зарур ва муҳим қўлланмалардан бири вазифасини ўтаган. Чунки унда кон ва кончилик билан боғлиқ тушунча ва терминлар атрофлича тушунтирилган.

Бу олимнинг “Минералогия” дан ташкари қатор асарларида ҳам геология ҳамда кончиликка оид бир қатор баҳсли масалалар баён этилган[8]. Уларда Беруний ер, геология ва кончилик, кончиликдаги ноёб металллар қазилишларнинг хусусиятлари ҳамда методлари соҳасига оид жараёнлар ҳақидаги энг муҳим илмий ғояларни ҳаётий мисоллар воситасида биринчилар қаторида баён этган.

Муҳаммад Насриддин (1201 —1274 йиллар), Оврупада Туси номи билан машҳур, астрономия, математика соҳасидаги Озарбайжон олими “Жавоҳирнома” номли рисола ёзганки[9], унда минераллар ҳақида мукаммал маълумотлар учрайди.. Олим бу асарда феруза, зумрад, лаъл, агат, яшма ва бошқа минералларнинг физик ва кимёвий хоссаларини, уларни аниқлаш усулларини батафсил баён этганлиги геология, аниқроғи, унинг бир бўлагини ташкил этган кончилик терминлари соҳаси учун катта ютуқ бўлган.

Хуллас, ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда геологиянинг айрим соҳалари, аниқроғи, конда топиладиган минераллар ҳақида кўп маълумотлар берилган. Бироқ коннинг ичидаги кончилик терминлари ва уларнинг амалда қўлланиши масаласига юқорида айтиб ўтилган олимларнинг тадқиқотларида жиддий тарзда эътибор берилмаган. Булардан кўриниб турибдики, кончилик терминларига қизиқиш қадимдан бўлган, аммо тизимлилик асосида улар махсус тадқиқ этилмаган.

Конлар ва конларда қазиб олинган металлларнинг қазиб олиншига оид жараёнларга тегишли терминларига эътибор XVIII асрдан кучайган бўлса-да, XX асрда кончилик терминлари рус ва Европа олимлари томонидан илмий тадқиққа тортилган. XX асрдан ўзбек тилидаги кончилик терминлари ҳам ўрганила бошланган, чунки мамлакатимиз ҳудудида бир қанча конларда минералларни қазиб олиш ишлари кучайган. Бироқ ўзбек тилидаги кончилик терминлари тадқиқи масаласи ҳалигача баҳсли ва илмий назарий жиҳатдан мукаммал ўрганилмаган ҳолатдадир.Тўғри, бу соҳада баъзи бир илмий кузатишлар натижасида мақола ва илмий мақола шаклидаги баъзи илмий ишлар эълон қилинган. Аммо ўзбек кончилик лексикаси ва кончилик терминлари бўйича махсус монографик тадқиқотнинг амалга оширилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Кончилик терминлар ҳам терминологияга, ҳам ономастикага тегишли оралиқ терминлар саналади. Бироқ “Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати”да кончиликка оид фақат

биттагина термин изоҳланган, холос: “ Кон номи – фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун қурилган ер ости иншоотининг атоқли оти”[10]. Биз мўлжаллаётган “*Кончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёти*” номли монографик ишда ўзбек тилидаги кончилик терминлари бошқа тиллардаги кончилик терминлари билан ўзаро қиёсланиб ўрганилади. Эҳтимол, бу мавзу катта дейилса, унда “*Ўзбек тилида кончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёти*” деб ўзгартириб ҳам тадқиқотимизни давом эттириш мумкин. Чунки асосий эътибор ўзбек тилидаги кончилик терминларига қаратилади ва уларнинг илмий назарий, илмий амалий жиҳатларига далиллар билан муносабат билдирилади. Унда “*Кончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёт манбалари*”, “*Кончилик лексикасининг ясалиш хусусиятлари*”, “*Кончилик лексикасининг мавзуй гуруҳлари ва мотивланиш хусусиятлари*”, “*Кончилик лексикасининг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ҳамда изоҳи*” кабиларга махсус тўхталиш фикридамиз. Шулар асосида тадқиқотимизда кончилик лексикаси ва кончилик терминологияси масаласига асосли муносабатда бўлинади.

Кончилик лексикаси ва кончилик терминлари геология соҳасида геологик нуқтаи назаридан махсус тадқиқ қилинади. Ўзбекистонда геология фани анча ривожланган бўлса-да, кончилик лексикаси ҳамда терминларининг тадқиқи масаласи бугунги кунгача атрофлича ўрганилмаган. Бунинг учун уларга филололгик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга кончилик терминларини ҳам ўзида жамлай олган кончилик лексикаси муаммолари ҳам ҳалигача ҳал этилмаганлиги учун лексималарнинг алоҳида турган лексима тизими ҳисобланади. Кончилик лексикаси катта тизимни ташкил этса, кончилик терминлари шу тизимнинг алоҳида кичик бир тури маъносини англатади. Ўзбек терминологияси ва ўзбек номшунослигига оид манбаларда бу мавзуга эътибор берилмаган[11]. Шу билан бирга шуни таъкидлаш шартки, кончилик лексикаси ва кончилик терминлари ўзбек ономастикасидаги кончилик ономастик майдонини, шунингдек, кончилик лексикаси ва кончилик терминлари кўламини ҳам маълум даражада бойитиш аниқ[12]. Келажакда “*Ўзбек кончилик лексикаси*”, “*Ўзбек кончилик терминлари*” ва “*Кончилик лексикаси ва кончилик терминлари*” номли монографияларимизни ҳам шакллантириб, нашр эттириш ниятидамиз.

ХУЛОСА

Бу мақоладан кутилган яна бир мақсад – ўзимизнинг олиб бораётган тадқиқотимиз тўғрисида ҳамкасбларга ҳисобот берган ҳолда бошқа

мамлакатларда бу мавзуда тадқиқотлар олиб борган ҳамда олиб боришаётган хорижий ҳамкасб олимлар билан ижодий ҳамкорлик қилишдир.

Демак, кончилик лексикаси ҳамда кончилик терминлари тизимига этибор ва қизиқиш қадимдан бўлган, аммо улар тизимлилик асосида махсус тадқиқ этилмаганки, уларни тизимлаш ва тизимлилик асосида таҳлилга тортиш долзарб муаммолардан бири саналади.

REFERENCES

1. Д.Ю.Хакимова, Заимствование из иностранного языка в узбекской горно-геологической терминологии. Международный научный журнал “Научные горизонты” №5 (9) 2018
2. Д.Ю.Хакимова, Тематические группы и мотивационные особенности горной лексики при обучении терминологии горного дела. Вестник науки и образования № 4 (107). Часть 1 Москва
3. D.Y.Khakimova, Method of studying the mine-technical terminology of the French language. Science, research, development #13 Technics and technology Berlin.2019
4. Dilrabo Yuldashovna Khakimova, Composition of the mining vocabulary, sources of origin and functional classification. International Scientific Journal. ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA, 2022
5. Шалимов А.И. Диплом Плутона. Л. ” Детская литература”, 1992
6. Ўзбек терминологияси: бугунги ҳолати ва истикболи. Илмий-назарий анжуман материаллари. Тошкент, 2017. –Б.3-214.
7. Эназаров Т., Хусанова М., Есенмуратов А. Ўзбек номшунослиги. Тошкент, Наврўз, 2015. –Б.38-46.
8. Қаранг: Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. Самарқанд, СамДУ нашри, 2011. –Б.22-26. Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. Самарқанд, СамДУ нашри, 2012. –Б.22-26.
9. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. Тошкент, Фан ва технологиялар, 2014. –Б.253-326.
10. Языковая номинация. Москва, Наука, 1977. -С.7-206.
11. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қаптамлари. Т., Фан, 1985. –Б. 6-21, 116-125.
12. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. Наманган, 2006. Б.41.